

# ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрида Сирдарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 7 595,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,8 % га ўсади.

2019 йил январь-сентябрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 9 088,0 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,9 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Сирдарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 2,1 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш (январь-сентябрь)

|  | Млрд.сўм       |                | 2018 й. га<br>нисбатан<br>% да |
|--|----------------|----------------|--------------------------------|
|  | 2018 й.        | 2019 й.        |                                |
| <b>I. ЯҲМ</b>                                  | <b>5 705,7</b> | <b>7 595,7</b> | <b>103,8</b>                   |
| <i>шу жумладан:</i>                            |                |                |                                |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 5 420,3        | 6 995,3        | 103,6                          |
| Маҳсулотларга соф солиқлар                     | 285,4          | 600,4          | 106,3                          |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>5 420,3</b> | <b>6 995,3</b> | <b>103,6</b>                   |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 2 604,8        | 2 990,0        | 100,3                          |
| <b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>         | <b>1 469,5</b> | <b>2 261,3</b> | <b>106,6</b>                   |
| саноат   | 1 142,3        | 1 763,4        | 101,5                          |
| қурилиш  | 327,2          | 497,9          | 124,6                          |
| <b>Хизматлар</b>                               | <b>1 346,0</b> | <b>1 744,0</b> | <b>106,7</b>                   |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар     | 302,2          | 362,6          | 106,9                          |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа              | 252,8          | 274,6          | 105,5                          |
| бошқа хизмат тармоқлари                        | 791,0          | 1 106,8        | 107,0                          |

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 42,7 %), саноат – 101,5 % (25,2 %), қурилиш – 124,6 % (7,1 %), хизматлар - 106,7 % (25,0 %) ни ташкил этди.

## 2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### *иқтисодий фаолият турлари*

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 92,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 7,9 % ни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 5,4 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 42,7 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 5,2 % пунктга кўпайиб, 32,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 25,0 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (24,8 %) билан таққосланганда 0,2 % пунктга ўсди.

### **Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-сентябрь**



**2019 йил январь-сентябрь**



- Махсулотларга соғ солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,2 % ни (2018 йил январь-сентябрь – 5,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 3,9 % ни (4,7 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 15,9 % ни (14,5 %) ташкил этди.

### Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил январь-сентябрь.



2019 йил январь-сентябрь.



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Сирдарё вилоят статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йигма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: У.Элмуратов  
(0371) 230-86-14